

Ўзбек ҳамкорлари билан
турли соҳаларда ўзаро
манфаатли алоқалар ўр-
натish ниятидalar.

Шу кун икки мамлакат
раҳбарларининг янқамая-қ-
ка суҳбати бўлиб ўтди.

Оқом Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти Ислам Каримов жаноб Фран-
суа Миттеран ва Даниель
Миттеран хоним шарафига
зиёфат берди.

алоқаларни кенгайтиришга
хизмат қилиши, шубҳасиз,
Музокараларда Франция

машилда. Миттеран — хоним
Ўзиниڭ قارشىلىق قاراكاتي-
داغي ئىشتىروكى قاقىدا گاپى-

гаиларядек, яқини ҳалқ маданиятларининг яқинлашувига кўмаклашади.

таърифи ва унинг ён атрофи-
ни ободонлаштириш лойиҳа-
сининг унинг устасхонасини
камалга ошириш. Бу йил эса
таърифу хубийонин қайта таъ-
рифлаш лойиҳасининг бизнинг
қисмати туғилган бўлишига олди.
Қозир богда қилинадиган
дўжар бачча аниқ лойиҳа
қўлланган Тошкент шаҳар хо-
...

қонини кўрганимизни то-
моша қилишдан бошлад-
ди. Бу расмоннинг асарла-
ри Дўрмондаги ҳукумат
боргоҳи равоғини бевади.
Франция ва Ўзбекистон
Президентларининг рафи-

СУРАТЛАРДА: Франция
Республикаси Президенти-
нинг Ўзбекистон Республика-
сига давлат таърифидан
лавҳалар.
ЎЗА суратлари.

нинг Ўзбекистон Республика-
сига давлат таъшифидан
лаиҳалар, ЎзА суратлари.

Маҳалладош

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» КҲМ САҲИФАСИ

● Пойтахтимизда янги кун давом этган Тошкент шаҳри маҳаллалари оқсоқолларининг ўқув кўниси бахслар, кўлаб тақдир-мулоҳазаларга бой бўлди. Шунинг эътирофи эътибор кераклик, ушбу тадбир иштирокчилари ўзларининг қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шаҳримиздаги турли идораларнинг вакиллари ҳамда мутахассислар билан учрашиб, катта таассуротлар билан қайтишди. Биз семинардан сўнг оқсоқоллар ўқув иштирокчиларидан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, уларнинг мулоҳазалари билан қизиқдик.

Шавкат МИРАЛИМОВ, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси:

— Оқчи айтишим керак, оқсоқоллар ўқувини ташкил этишдан кўнаниб қолган асосий мақсадга эришдик. Машғулотларни диққат билан кузатиб шу нарсага амин бўлдикки, маърузалар ҳамда давра суҳбатлари қизиқарли ва ранг-баранглиги билан йилгиланларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Шу боис ҳам оқчи мулоқотлар давомида оқсоқоллар ўзлари раҳбарлик қилаётган маснавларда тушунтириш қолган барча масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашишди. Ўйлаётганим, келгусида ҳам бундай тадбирлар маҳаллаларини бошқаришда катта тажриба мактаби бўлиб қолади.

Фахриддин ТОҲИРОВ, Собир Раҳимов туманидаги Зухриддин Ғуломов номи маҳалла оқсоқоли:

— Мен айниқса маҳалла мулкани хусусийлаштириш ва солиқ сўрати йўналишлари ҳақидаги маърузани катта қизиқиш билан тингладим. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида юртимизда бўй бераётган иқтисодий ислохотлар ҳеч қайси биримизни бефарқ қолдирмас керак. Маҳалла оқсоқоли хусусийлаштириш ва солиқлар бўйича маълум билимларга эга бўлмас экан, ўз фаолияти давомида қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Умуман, ўқув давомида кўтарилган барча масалалар, ўртага ташланган муаммолар айниқса ёш оқсоқолларимиз учун жуда фойдали бўлди, десам янгиланмайман.

Машғулотнинг иккинчи кунини биз Шайхонтоҳур туманидаги «Олмазор» ва «Наврўз» маҳаллаларидаги гузарларини бориб кўрдик. Бу жойларда олиб борилаётган кенг кўламдаги тадбирлар ҳар биримизнинг ҳаёлотига солди. Маҳаллаларга эътибор тобора кучайтириб борилаётган ҳозирги кунда ана шундай замонавий биноларга жойлашган

маданият марказлари жуда зарур. Муҳиддин ВОЗОРОВ, Бектемир тумани ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлимининг йўриқчиси:

— Туманимизда маҳаллалар сони кам бўлсада, бу турар жойларда олиб борилаётган ишларнинг кўлами салмоқлидир. Кейинги пайтда ҳокимлик томонидан ижтимоий муаммоларни ҳал этишга алоҳида

* Оқсоқоллар ўқуви

АМАЛИЙ БИЛИМЛАР ОЛИШДИ

этибор берилади. Бунда албатта оқсоқолларимизнинг одамлар бошини қовуштириб, ҳар бир ишда етакчилик қилишга тайинлиги алоҳида аҳамият касб этапти. Тўғри, кўп ишлар қилинапти. Лекин оқсоқолларимиз ҳали йўл-йўриқлар, фойдалар масалаларда олиб, илгори тажрибалар билан танишиб боришлари зарур. Шу боис ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ХДПси Марказий Комитети томонидан оқсоқоллар ўқувини ташкил этишга алоҳида кўп ҳисса қўйилди. Назаримда, кўпчилик оқчи мулоқотлар ҳамда жойларга уюштирилган саёҳатлардан катта қониқиш олади. Биз Собир Раҳимов туманидаги Ваҳоддин Нақшбанд, Бегуний маҳаллалари иш тажрибала-

рини ўрганиб, ободонлаштириш, жамоат ташкилотлари ишлари ташкил этиш, фахрийлар билан ишлаш, тўй ва бошқа маросимларни намунали ўтказиш борасида белгилаётган тадбирлар ҳамда режалар билан яқиндан танишдик. Бунинг қарангки, «Чигатой оқтепа» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Карима» фирмаси маҳалладаги хайрия ишлари учун 5 миллион сўм атрофида моддий ёрдам берибди. Айни пайтда бу ерда 30 нафар киши иш билан таъминланган. Яқин кунларда яна 70 нафарга яқин киши ишга жойлашиб, аҳоли учун зарур бўлган телпак, пальто ва бошқа кийимлар тикилади. Ишчиларга бепул тушлик ташкил этилган. Оқсоқолларимиз билан масалаларда ҳам шунга ўхшаш катта самара берувчи фирмалар, кичик корхоналар таъиниш режалаштириб олди.

Озод ШОУМАРОВ, ҳамза туманидаги Икром Ақматов номи маҳалла оқсоқоли:

— Қувончлиси шундаки, ўқув давомида кўлаб муаммолар ҳам ўртага ташланди. Шу ўринда уй олдир-сотиш оқсоқоллар ва уларнинг масалаларининг ҳал қилиниши билан амалга оширилиши ҳақидаги фикр диққатга сазовор. Ҳозирги пайтда ёшлар тарбияси жуда долзарб вазифа бўлиб турганда оқсоқоллар ўқувидан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош қармақсининг бошлиғи, миллий генерал-майори Комилжон Ғофуровнинг маърузаси айниқса эътиборимизни ўзига тортиди. Нотинг миллий оғралининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги, ёшлар ўртасида содир этилаётган турли қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилаётган чора-тадбирлар хусусида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мен оқсоқол сифатида ўзимга тегишли ҳулосалар чиқариб, маҳалламиз ҳудудидagi ўсмирларни турли хил ҳунармандчилик тўғрисидаги жалб этилиши ўйлаб кўйдим.

Шунинг алоҳида таъкидлаш зарури, ички қурилиш машғулотлар давомида оқсоқоллар кўлаб амалий билимлар олди.

Суҳбатни Сатдулла ШОДИЕВ ёзиб олди.

СОВҒАЛАР БЕРИЛДИ

соқоли Толибжон Боймурод, фаоллардан Ботир ака Алимов, Уткир ака Пулатов, Баҳодир ака Жалиловлар

сўзга чиқишиб, олиб борилаётган ишлар хусусида, айниқса ёш аҳолини Ватанга содиқ қилиб тарбия-

лаш борасидаги мулоҳазалар билан ўртоқлашди. Шу оқшом маҳалладаги кам таъминланган оилалар-

га «Рустамбанк» жамоаси, «Юлдуз» тикучилик бирлашмасига қарашли 2-фирма дўкон ва бошқа жамоалар томонидан совғалар, пул мукофотлари ҳадя этилди.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

* 1994—Ойла йили

ОНА ШУКРОНАСИ



гиз керак.—сўраймиз Маҳфират айдан. Албатта, Фарзандларим—қанотларим. Улар бир-бирлари билан иқош яшаётган. Келинларим ҳам жуда ақлли, меҳрибон, ўз казгани жой топишмайдилар. Шу боис маҳалладагилар-

нинг барчаси оиламизни ҳурмат билан тилга олади. Келинларим Зухраҳон, Турсуноя, Мавлуда, Махсума, Зумрад, Дилдорахон, Жаҳонхонлар турли соҳаларда меҳнат қилишга. Ҳозирги кунда 22 нафарнинг севимли бувижониман.

ОҚСОҚОЛ сайлангандан сўнг, табики, сайланган масалалар ҳам унга муносиб бўлиши керак. Уларнинг қай даражада фаоллик кўрсатиши маҳалланинг эртанги кун қандай бўлишини белгилаб беради.

МУНОСИБ МАСЛАҲАТЧИЛАР

— Қасбим муаллим, мазкур маҳаллада йигирма йилдан бери истиқомат қилиб, жамоат ишларида қатнашиб келаямман,— дейди Юнусовод туманидаги Янгибод маҳалласи оқсоқоли Наби Ҳамидов.— Маслаҳатчилар жами 13 кишини ташкил қилади. Улардан кўнгилм тўй, Чунки масалаларнинг ҳалла иши учун фидойи бўлиб қолмай, меҳнат тажрибасига кўра маҳалла ҳаёти учун зарур бўлган масалаларни ҳал қилишда кўмак қилишга тайинлиги билан улар маънавиятнинг ҳимоя қилишга қўйди.

13-мавзеда 3334 хонадон бўлиб, 10 мингдан ортиқ кишини ўз ичига олади. Мавзе беш бўлимга бўлинган. Жамоат ишлари шу тарзда олиб борилади. Улар-

нинг вакиллари маҳалла масалаларини ҳисобланади. Ҳар бир вакил ўзига бериб қўйилган ҳудудда қиларли ишларни, уларнинг турмуш шароитини яхши билдилар. Ҳар бир бўлимга ҳақлар йўли билан тўйхоналар қурилган. Жумладан, ўтган йили 18, 19, 20, 21-йилларда истиқомат қилувчилар қисқа муддатда маблаг йиғиб, катта тўйхона қуришди. Бунда Оқилхон Қосимов, Тўлқин Авазов, Ҳамид Тошхўжаев, Абдуқалил Ваҳодов, Рустам Ҳамидов Бахтиёр Ҳажиевлар қурилишнинг бошидан охиригача жонбозлик кўрсатди.

Мавзеда 3 та озиқ-овқат дўкони бўлиб, ҳар бир дўконда ҳафтасига молларнинг сотилиши йўли бўлиб қўйилган. Сўнг-қўнларда надр-қийматини ошириш мақсадида келган озиқ-овқат маҳсулотларини турли тақсимлашнинг назорат қилиш, гуруҳи ҳам тўзилган. 19-дўкон 5 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу борада дўкон маъмуриятига нисбатан аҳолининг шикоятлари йўқ. Маҳалланинг асосий вазифалари атроф-муҳитни ободонлаштириш, осийиш, тақия, сақлаш, қаровисиз қолган қария ва ногиронларга, кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга яшовчиси бўлмаган хоналарни, руҳиятсиз яшаётганларни аниқлаб, тегишли идораларга маълумот беришдан иборат. Бутунги кунда турар жойдан фойдаланиш билан боғлиқ тўловларнинг ўз вақтида тўлиниши, уларнинг техник ҳолатини бир меъёрга ушлаб туриш хусусида турар жойлардан фойдаланиш идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бориш асосий эътиборда турибди.

Абдулжалил ҲАСАНОВ.

СОВИР РАҲИМОВ туманидаги Амир Темур маҳалласига йўналиш тўпаса, албатта «Нуробод» чойхонасига келинг. Ўлкамизга баҳор фасли ташриф буюриб, бутун борлиққа ўз сенини ёлган шу кунларда бу жой аjoyиб ҳордиқ чиқараётган масканга айланган. Маҳалла оқсоқоли Эркин Шорайимовнинг айтишича, 17 та кўп қаватли уйларда яшовчи одамларнинг кўпчилиги оқшом туманида шу оромгоҳга келиб, ўзларининг бўш вақтларини кўнгалли ўтказишга.

* Файзли оқшомлар «Нуробод»га хуш келибсиз

Маҳалланинг ташкил этилганга ҳали кўп вақт бўлмаган йўқ. Аммо турли миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, теварак-атрофни ободонлаштириш, саранжом-сарништа сақлашга алоҳида эътибор беришга. Эрта бора, Ҳамидов чойхонасига, «Нуробод» чойхонасининг атрофи, шунингдек қўшни тўплан ҳудудга минг тулпан ортиқ мевали даракларнинг ниқоллари ўтказилди. Ҳозирги кунда бу кўчалар асосан тутиб, яшнаб турибди. Шу боис ҳам чойхонада маззали чойхўрлик қилаётган отахонлар табиатдан баҳра олиб, яратилган қўнгалликдан мамнун бўлишга.

— Яхши дам—меҳнатга ҳамдам,— дейди маҳалла фаолларидан бири Фозил ота Аҳмаджонов биз билан суҳбатда.— Кўриб турганимизга, демак, маҳалла маркази тобора обод бўлиб борапти. Қисқа вақт ичида ўрта ноёвхона, сабзавот дўкони қурилганини қувонч билан гапирмай илжимиз йўқ. Чойхона яқинида муъаззагина спорт майдончаси ҳам қурилди. Бу ерда болалар оқшом чойлари футбол, волейбол ўйнаб, спорт турлари билан шуғулланишга. Биз қарилар кексалек гаштини суриш билан бирга ёшлардан қўлимиздан келган ёрдами, мизин аямаситримиз.

Павлат САЎДИЕВ.

* Кўп қаватли уйларда УЮШҚОҚЛИК СЕЗИЛМОҚДА

«ҚУЙЛИҚ-5» даҳасидаги Абдурахим Шерматов номи маҳалланинг тузилганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида ҳақлар йўли билан ноёвхона, чойхона қурилди. Ҳозир аҳолига иссиқ тадбир номи етказиб берилапти. Чойхона шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилди, шундан тўттилоқда.

— Ҳудудимиз кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, ўйлаб миллат вакиллари яшамади,— дейди маҳалла оқсоқоли Анвар ака Нисозов.— Аҳил жамоамиз билан уйлар атрофини ободонлаштириш, озиғна жойдан бўлсада унумли фойдаланиш, мевали дараклар, турли экинлар экишни келишиб олиш кўзда тутилмоқда.

та ва озода тутиш ҳар биримизнинг диққат маркази.

Уюшқоқлик бор жойда турли хил тадбирлар ҳам ташкил этилади. Яқинда фаоллар ташаббуси билан 563-болалар богчаси очилганга беш йил тўлганлиги аjoyиб тарзда нишонланди. 270 нафардан зиёд турли миллат фарзандларини камол топаётган ушбу масканга «Ялла» дастаси келди. Шунингдек, Сергеев тумани маданият уйи бадий ҳаваскорлари дилрабо қўшиқ ва расклар билан барчани хушуд этишди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ГУЗАР ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

«ЎЗБЕККАВЕЛЬ» ишлаб чиқариш йара корхонасининг «Верткал» корхонаси пойтахтимиздаги «Баҳор» маҳалласини ўз оғалиғига олган. Меҳнат жамоаси яқинда маҳалла гузаридagi йодора, чойхона, ноёвхона, ошхона ва клубни қайта таъ-

мирлади. Шунингдек маданий марказнинг атрофи панжаралар билан ўралиб, тўнги ёриткичлар билан таъминланди. Оқшом чойлари отахонлар бир пиёла чой ичиб, ҳордиқ чиқаришлари учун сўрилар ўратилди. Маҳалла котиби Мирхай-

дар Мухамедовнинг таъкидлашча, шу кунларда йара корхонаси томонидан йўлларни асфальтлаш ва бошқа ободончилик ишлари ҳам амалга оширилди.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

зирда маҳалланинг бу номи расмий тасдиқдан ўтаётди. Одамлар эса одатдагидек ҳаёт кечирмоқда.

ҲАЛОВАТ УЛАРГА БЕГОНА

Хонадон қўнғиргоғи жингиллади. Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси этиб сайланган Малика Маҳамедова эҳтиёт шарт эшик «қўнғир»дан қарашини ҳам унутиб, уни очинга ошқанди. У маҳалла ҳудудидagi 9-мактабда муаллимлик қилади. Мактабга кириверилганда ўқувчилар Георгий Димитров

ҳайкалининг учратишди. «26 апрель» маҳалласининг ушбу ёшлари қуёшли Болгариядан келганлар Тошкентни қайта тиклашда ўз ёрдамларини аяматганликларини жуда яхши билишди. Мазкур мактаб ҳам болтар қурувчилар томонидан бунёд бўлган. Мактабнинг нуфузли муаллимларидан бири маҳалла фаоли ҳамдир.

Эшик очилиши билан остопада қизча қўриди.

— Малика опа, ойимнинг аҳволлари ёмон...
Ерданга шошилинч даркор. Ахир оқсоқол ва унинг масалаларини бўлган Ипакчилик институтининг директор ўринбосари Этамназа Ғоибназаров, Ҳалқ Демократия партияси бошлиғи ташкилотнинг котиби Валерий Смирнов ҳамда ўнга яқин маҳалла аҳолиси «илоҳим йўқ» дея олмади. Ҳаловат деганлари фаолларга бегона, Сулаймон МИЛУШЕВ.



© СУРАТДА: Тошкент шаҳри маҳаллалари оқсоқоллари ўқув кўнисида қатнашчилардан бири гуруҳи ўзaro мулоқот пайтида. Қозим Улмасов олган сурат.

ШАРҚДА меҳр-оқибат, она сўти ҳақи, отанинг оиладаги ўрни каби муқаддас удулар оилада шаклланган бўлса, ватан, эринини, озолик, мустангилликнинг қадрига етиш, миллий гуруҳ, ўзга миллат вакиллари ҳурмат қилиш, шунингдек оилапарварлик, етимпарварлик фазилатларининг одамлар қалбидан ўрни олиши ва қонун даражасида ҳурмат қилинишига маҳаллаларнинг ўрни бекиётиши таърих ҳақиқатидир.

Республикамиз Президент Имом Қаримовнинг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мустақил юртимиз маҳаллаларининг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги ўрнини белгилаш билан бирга бу масалалардаги тарихий одоб-ахлоқ мактабларининг қайта тикланишига асос бўлди.

Ўзбекларда азалдан, бола бешикда ётган пайтдан бошлаб она-ватанга, оилага, қариндош-уруғларга, маҳалладошларга нисбатан меҳр-муруватли, оқибатли бўлиш ҳис-туғғуларини, ананалар, урф-одатлар, қадриятлар онанинг аллоси орқали, она сўти билан сингдирилган. Шунинг учун ҳам аялдоларимиз оилага, маҳаллага, ватанга ва болалар тарбиясига ўзларини масъул сезганлар, маҳалладошлар орасида уятга қилиш қонунини язаоланганда оғир ҳисобланган. Азалдан фуқаролар нима бўлишдан қатъи назар ҳамма оила, маҳалла, ватан туғусини улуғлаганлар, қонунларда ёзилган, лекин ҳаётимизда мундасил саналган миллий урф-одатлар қондаларига онгли равишда бўй-

сунганлар. Шунинг учун ҳам Шарқда қадимий одобомма дастурлари, фарсий қонунларини ҳисобланган одобларнинг ўрнатилиши, унинг асосий қонуниди белгилаш шунинг муносабати билан бошқариш, муруватлилик, кекасаларга ва ёшларга ғамхўрлик, оилага садоқат руҳидаги тушунчаларини маҳалладошлар оғида шакллантириш ва ривожлантириш маҳаллалардаги ҳаёт мактаби муҳим аҳамият касб этади.

* Нуқтаи назар ИНСОНПАРВАРЛИК ФАЛСАФАСИГА АСОСЛАНГАН

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг кучга киритилиши республикамиз сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар қилинишига сабаб бўлгани билан бирга Ўзбекистон аҳолисини Республика Олий Кенгаши, Президентини ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган янги қонунлар, фармонлар, қарорларнинг моҳияти, мазмунини билан таништиришга бекиёс ҳизмат қилади. Қабул қилинган бу ҳужжат маҳалладошларда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий ва маърифий муносабатларни тартибга солиш учун кўлаб долзарб вазифаларни ҳал этади. Хусусан, маҳаллаларда қадимий урф-одатлар, қадриятлар ва ананаларнинг тикланиши, миллий истиқбол

мафқурасини маҳалладошлар онига сингдиришда муҳим омилдир. Республикада ҳуқуқий давлатчилик муносабатларининг ўрнатилиши, унинг асосий қонуниди белгилаш шунинг муносабати билан бошқариш, муруватлилик, кекасаларга ва ёшларга ғамхўрлик, оилага садоқат руҳидаги тушунчаларини маҳалладошлар оғида шакллантириш ва ривожлантириш маҳаллалардаги ҳаёт мактаби муҳим аҳамият касб этади.

Миллий маданиятни юксалтириш ва маънавият шакллантириш асосига маданият илдириларидан баҳра олиш урф-одатларимиз, одоб-ахлоқимизни ёшлар онига сингдиради.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ички, миллати, тилидан қатъи назар судда, арбитражда ва бошқа ташкилотларда улар маънавиятнинг ҳимоя қилишга қўйди.

Оқсоқоллар ҳокимияти органлари билан ҳақ ўртасидаги муносабатларда ҳокимият ва халқнинг вакили сифатида қатнашиб, барча масалаларни адолатли тарзда ҳал этади. Маҳаллалар ҳудудидagi аҳолига хизмат кўрсатаётган савдо ва маънавий ҳизмат объектларининг фаолияти юзасидан қонунларда белгилашнинг назорат йўлига қўйилди. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг санитария қондаларига тўлиқ амал қилишлари учун чора-тадбирлар белгилади. Халқ сайиллари, байрамларини ўтказишдаги тарихий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, фаоллар билан биргаликда ишлаб чиқариш ва амалга оширилади. Юқоридagi масалаларни ҳал этиш учун республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий шартнолар, амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва фармонлар асосида маҳаллалар фаолиятини давлат, қонун, Президентимиз томонидан қўйилган талаб даражасида раҳбарлик қилиш йўлига қўйди. Маҳаллалар ҳудудига бозор ҳужалиги субъектларини шакллантириб, маҳалладошлар учун янги иш жойлари барпо қилишга қўмаклашди. Тартиб-ташвиқот ишларини замон талаби асосида йўлга қўйиб, амалга оширилаётган ислохотларни халқ томонидан кўлаб-қувватланишига эришди.

СУНГГИ пайтларда маҳаллаларда хотин-қизлар кенгашларининг фаолияти тобора жонланмоқда.

Шаҳримизнинг Акмал Икромов туманидаги Бекобод маҳалласида 6 мингта яқин аҳоли истиқомат қилиб, унинг ярмидан кўпни хотин-қизлар ташкил этади. Маҳалладаги турли хил масалаларни ҳал қилишда, аҳолининг турмуш шароитини, ижтимоий аҳволини яхшилашда, миллий урф-одатларимизни ривожлантиришда ва айниқса, бола тарбиясини тўғри йўлга қўйишда хотин-қизлар кенгаши маҳалла комитети билан биргаликда катта ишларни амалга оширмоқда. Кенгашга талабчан, тад-

* **Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятдан**

Ҳар соҳада фаоллар

биркор аёл Тошой Салимова раҳбарлик қилади. Маҳалладаги бирорта хонадон уларнинг назаридан четда қолмайди. Аёллар ҳам ҳар қандай масалада тортинмасдан кенгашга мурожаат қиладилар. Ҳар ҳафтада бўладиган хотин-қизлар кенгашининг мажлисида эса шу масалалар муҳокама қилиниб, зарур чоралар қўлланади. Ҳар бир кўча бўйича вакиллар бўлиб, улар аёллар ўр-тасида қилинган ва қилинажак ишлар ҳақида тез-тез ҳисоб бериб турадилар.

Маҳалламиз одамлари бир-бирларига жуда меҳр-қўбати, — дейди биз билан суҳбатда хотин-қизлар кенгашининг раиси Тошой Салимова. — Турли маросимлар уюшқонлик билан ўтади. Маҳалламизда кўпни қурган, серфарзанд онахонлар, табаррук отахонлар жуда кўп. Биз ишни ташкил қилишда улардан фойдали маслаҳатлар, йўл-йўриқлар оламиз. Ҳозирги пайтда оилаларимизнинг турмуш шароити анча яхшиланди. Ҳаммамнинг ўз юмуши бор. Ким нима билан машғуллигидан ҳамиша бохабармиз. Итламасдан бекор юрганлар кам. Ҳатто уйда ўтирадиган аёлларни ҳам иш билан таъминла-

ганмиз. Маҳалламизда Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг тармоғи ҳамда «Нишон» кичик корхонаси жойлашган бўлиб хотин-қизларимиз ўзларининг шароитларига қараб, шу ерда ишлайдилар.

Маҳалла ҳамиша тоза бўлади. Тонг саҳарда ёки кечда бирорта кўчаси су-пурилмаган ё сув сепилмаган хонадон-ни учратмаймиз.

Бу ерда миллий урф-одатларга қатъий амал этилади. Қизларни турмушга тайёрлаш, келинларга оила сирларини ўргатиш, айниқса бола тарбиясида хотин-қизлар кенгаши хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Тўй сарполарини қисқартириш, харажатларни метёрга солиш бу ерда анча илғари бошланиб, ортиқча чиқимга йўл қўйилмайдиган. Тўйлар имкон қадар ихчамлаштирилган. Бундан ташқари хотин-қизлар кенгаши турли соҳанинг илғорлари, табаррук, кўп болали онахонлар, шифокорлар, шоирлар, санъаткорлар билан тез-тез учрашув ўтказиб туради. Шунингдек маҳаллада тиббий ҳамда савдо кизматини қатъий назорат қилади.

Маҳаллада тез-тез маданий-маиший тадбирлар, турли жойларга саёҳатлар ҳам ташкил қилинади. Икки-уч йилдан бери хотин-қизлар кенгашининг ташаббуси билан Тошкент вилоятининг туманларига, Хумсон, Оқтош, Паркент каби дам олиш масканларига саёҳатлар уюштирилибди.

Маҳалламизда одамларни бир-бирга боғловчи қандайдир ришта бор, — дейди яна Тошой опа сузида давом этиб. — Бу ерда келган кишининг кет-гиси келмайди. Маҳалламиздаги болалар боғчаси, мактабда ўзимизнинг одамларимиз ишлайди. 16-поликлени-канинг тармоғини ҳашар йўли билан қургандик. У ҳозирги пайтда атрофи-миздаги туртта маҳаллага хизмат қилади. Шифокорларимиз Раёно опа, Насибхонлар хонадонлардаги ҳар бир аёлнинг саломатлигини кўздан кечири-дилар, зарур ёрдамни аямайдилар. Маҳалламизда қийналиб қолган, кўп болали оилалар, бева аёллар ҳам бор. Биз улардан тез-тез хабар олиб тура-миз. Жуллаб, маҳалламизда одамлар орасидаги оқибат сақланиб қолган. Шунинг ўзи бизга хайрли ишларни амалга оширишда асётмоқда.

Назира СОДИҚОВА.

СУРАТДА: Бекобод маҳалласининг Охунбобоев номи бош кийимлар фабрикасида ишлайдиган бир гуруҳ аёлла-ри.

Засим Соҳолов тасвири.



ЮРТ—БИР УЗУК, СЕН—КЎЗ МАҲАЛЛАМ

Уйлаб кўрсам, қалбимга эккан,
Айтадиган гапим кўп эккан
Узгинанг яқдона эккансан,
Узинг ота-она эккансан.
Ёмонликдан охудек безиб,
Яхшиликни кўрпадек ёзиб,
Меҳр тўла кучоқ эккансан.
Эзгуликка бўлоқ эккансан,
Шу сабабми тутдим мен қалам
Жон маҳаллам, жонон маҳаллам.
Муруватга макон маҳаллам,
Келди буюн имкон маҳаллам.

Яна баҳор, чор-атроф гилам,
Боғлар кўркам, далавлар кўркам.
Жонга ором қўйлам ҳавоси,
Қўшларжонининг нағма навоси.
Кун санайди ҳар кизу жувион
Наврўз келар — оройи жаҳон.

Гуллаб кетар атроф-теварақ,
Қозонларда қайнар сумалақ,
Атлас либос, ҳатто сузгача.
Бу йил Наврўз сепи узгача.
Келинчакининг орзусида у,
Муҳаббатнинг тўғусида у,
Уйиқ сувлар кўзгусида у,
Жилва қилди мисоли оқуш.
Шуқўшлари сарбаламд

Наврўз сўзи шакар, қанд бўлди,
Ҳар бир бола қўлида бўлди.
Уларга бош Муҳаммад ниқол
— Яхши ният қилиб оқсоқол:

Саодатли кунга етайлик.
Шу болалар эккан ҳар терак,
Усиб кўнка етмоғи керак.
Яратайлик янги уйлارга,
Уйлар бешик бўлсин

Гуруллади шунда оломон,
Омин дейди кенса Сулаймон:
— Наврўз билан яхши кун келсин,
Тева билан қоп-қоп ун келсин.

Карвон-карвон бўлсин бутдойлар
Дуода бўлайлик бобойлар!
Ҳар эшикнинг олдига бутун
Шамолларда солганиб бутун,

Берг ёзибди эрка ниқоллар,
Олма, ўрик, тарагу топлар.
Тантаналар чинди азиятга
Шодийна диллар мавжидга.

Ёндинг ёнқиндек маҳаллам
Мавжиднинг тўқиндек маҳаллам.
Уйиқлаган сойдек

Хотирани бир-бир титади...
Бугун эса эр етган ўғлон
Ватанига бўлади посбон,
— Замона тинч, бутдир ошу-нон,
Ватан бу — жон, Ватан бу — ниймон.

Шу сўзларни ёдинда сақла.
Маҳалланинг тузини оқла.
Бўлдинг озод Ватан аскарни.
Озод Ватан — эллар сарварни.

Ҳозир авжи хизмат этар пайт,
Қй борғину, ўғлон омон қайт.
Амир Темур юрти Самарқанд,
Бухоро, ё Термиз, Насафдан

Муждаларинг келса, қувониб,
Фахр деган тўйуга қониб,
Кутажамиз сени, эй ўғлон!
Ота қалб мисоли осмон,
Фарзандини дуо айлади.

Бир ифхотининг ўрин биллар,
Согинчдан юраклар тиллар,
Бир фарзандининг ўринидир қанча,
Кутажамиз жуфт йил ўтганча.

Сен Ватанинг битта парчаси,
Шундоқ дейди нисон барчаси.
Сенга бўлган чексиз муҳаббат,
Юрт ишидан бир қатлам фақат.

Яшаш шундоқ тўқис, беш бўлиб,
Озод юртга ҳамдам, эш бўлиб,
Борми сенда армон маҳаллам!
Келажакка карвон маҳаллам.

Фарзандингга сарбон маҳаллам
Бўлгин доим омон маҳаллам.
Ҳар бир уйда бордир келинча,
Ҳар келинча — мунис бир чечак.

Эрта билан супурилган йўл,
Дуо қилиб деймиз, омон бўл!
Сув сепилар азалий удум,
Шу кўчадан кўп бора ўтдим.

Келин салом берар эгиллиб,
Шунда бағрим ипдек эшилди,
Кўрманини қиламан катта,
Яхши ният тилаб албатта!

— Босган кизинг нур бўлсин, қизим,
Қўлсанг қўлгинг дур бўлсин, қизим,
Қизларинг ҳа, ҳур бўлсин қизим.

Маҳалладон

ДИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛДИ

ЧИЛОНЗОР туманидаги «Мевазор» маҳалласида ажойиб шодийна — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-матрифий ишлар республика маркази, Республика «Наврўз» хайрия жамғар-маси, Чилонзор тумани ҳокимлиги, Қизил Ярм Ой жамиятининг Чилон-зор туман комитети «Бешёғоч» фирма-сининг ташаббуси билан «Юртим ба-ҳори» мавзусида театрлаштирилган байрам томошалари ўтказилди.



Тантаналар келин тушиш маросими билан бошланди. Унда ўзбекларнинг миллий одатича, айтишувлар, лапарлар бўлди. «Мевазор» маҳалласи тўй-маъ-ракаларни ўтказиш комиссиясининг раиси Жўрахўжа ака Хўжаев маҳалла-да халқ маросимларини ихчамлашти-



риш, уни маълум бир тартибга солиш борасида амалга ошириладиган ўзига хос ишлар, тўй комиссияси аъзолари-нинг фаолияти ҳақида тўхталиб, шун-дай намунавий тўйлардан айримларини мисол қилиб келтирди. Қизил Ярм Ой жамияти Чилонзор тумани комите-тининг раиси Рихси Зокирова жамият-нинг туманда олиб бораётган меҳр-шафқат фаолияти ҳақида батафсил сўзлади. Сўнг жамият, республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ва «Беш-ёғоч» фирмаси томонидан ажратилган 5 та ногиронлар араначасини маҳалла-да истиқомат қилувчи муҳтож оилалар-га топширди. Маҳалла оқсоқоли Шав-кат Азизов бекиёс гамхўрлик учун миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ар-тист Махмуджон Азимов, «Қамолот—91» танловининг гояли Равшан Ко-милов, хушовоз хонанда Хурсанд Ше-ров ижроларидаги қиёмига етказиб қўйилган қўшиқлар, Турсунали полвон бошчилигидаги миллий цирк гуруҳи аъ-золарининг томошалари, Муқимий но-мидаги мусиқали драма театри актёр-лари ижро этган қувноқ интермедиялар йиғилганлар дилларини завқу шавққа тўлдирди. Кечани Абдор Ҳидоятлов номидаги ўзбек драма театрининг иқти-дорли актёрлари — Саида Раметова ва Фарҳод Абдуллаевлар жуда маро-мига етказиб олиб боришди. Тадбир охирида маҳалла фаоллари, кенса ўқи-тувчиларга маҳалла жамғармаси томо-нидан ажратилган совғалар топширилди.

Дамир ИСЛОМОВ.

©

СУРАТЛАРДА: «Юртим баҳори» театрлаштирилган байрам томошалари-дан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.

* Акс садо

* Мустақиллик медалари

ҲАММАНИ ШОД ЭТГАН КЕЧА

КЕИНИГИ йилларда шахримизда Қизил Ярим Ой жамияти ёш кўнгилли аъзоларининг сони тобора кўпайиб бормоқда. Чунинчи, ҳозир пойтахтдаги барча мактабларда санитария постлари фаолият кўрсатмоқда. Республика миёсидида «Санитариянинг ёш дўстлари» кўриқ-танловлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Куни кеча Ҳамза номидаги ёзувчиларнинг ижод уйида Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро федерациясининг Олмалот шаҳридаги минтақавий ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Марказий Комитети



томонидан ташкил этилган халқаро семинар қатнашчиларининг илтимоси билан «Санитариянинг ёш дўстлари» таълиқнинг қатнашчилари ҳамда «Қувноқлар ва зукорлар» кўриқининг қатнашчилари бўлиш С. Раҳимов туманидаги 29-мактабнинг ёш санитарлари миллий урф-одатларимиз, Қизил Ярим Ой жамиятининг фаолияти, меҳр-шафқат мавзусида тайёрлаб келган дастурларини намойиш этишди. Ушбу қиш орқали шахримизнинг АҚШ ва Швейцариядан келган меҳмонлари юртида Қизил Ярим Ой жамиятининг ёш фаоллари амалга ошираётган ишлардан хабардор

бўлишди, урф-одатларимиз билан яқиндан танишишди. Кеча охирида эса улар ўзларининг ўзбекистонлик ҳамкасбалари билан «Андижон полка»сига рақсга тушибди, айраб-қувнашди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу тадбир халқаро дўстлик байрамига айланиб кетди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: дўстлик байрамига айланиб кетган тадбирдан лавҳалар.



ШАЙХОНТОХУР тумани ҳокимлигида Лилехаммерда ўтказилган қишқик Олимпиада ўйинларида республикамиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар — Олимпиада чемпиони Лина Черязова, муз устида нафис учиб, усталари, спорт устаси, халқаро турнирлар ғолиби Муслим Сатторов, халқаро мусобақалар совриндори Динара Нурдубоева, фристайлчилар — МДХ Кубоги ғолиби, жаҳон Кубоги босқичлари қатнашчилари Лариса Удодова, Сергей Вренер, уларнинг устозлари Дмитрий Кавунов, Евгений Рохин билан учрашув бўлиб ўтди. Унда кўплаб спорт турлари, мусобақаларга ҳимойлик қилган «Малика», «Орзу», «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмалари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

— Қишқик спорт турлари бўйича спортчилар тайёр-

лашга ихтисослашган мактабнинг аянан бизнинг туман ҳудудидида жойлашгани, ундан силардан ҳар қанча фахрланса арзийдиган йи-

да ўлкамиз шарафини муносиб ҳимоя қила олганимиз учун барчангизга ҳокимлигимиз ишчи-хизматчилари, кўп сонли мухлисларингиз

билан ўртоқлашдилар, қишқик спорт турларини янада оммавийлаштириш учун ниямлар қилиш лозимлиги, бу йўлдаги муаммолар ҳусусида фикр алмашдилар. Фристайлчиларимиз устози Дмитрий Кавунов, муз устида нафис учиб усталари мураббийси Евгений Рохин келгуси режалари ҳақида гапириб бердилар. Учрашув сўнгсидида Олимпиадачиларимиз туман ҳокимлигига дастхатлари туширилган тоғ чангиси, эс-далик нишонлари топширилди. Ўз навбатида спортчилар ва мураббийларга Шайхонтохур тумани ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Шухрат АРМОН.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.



ТОШКЕНТ вилояти, Тошкент шаҳри ва Чимкент вилояти ҳокимлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш ҳусусидаги шартнома бутун кунда ўз амалий самарасини кўрсатмоқда. Биргина «Юнусов» савдо-ҳиссдорлик жамияти билан келишилган ҳолда ушбу туман ҳудудидида чимкентликлар қисқа муддат ичида ўзларининг иккита дўконларини очиб улгурганликлари бунинг ёрдамида далили сифатида хизмат қилади. Бу дўконлардан бири бундан бир ой муқаддам иш бошлаган. Радио-техника маҳсулотлари билан савдо қилувчи бу дўкон шахримизнинг Муртавоев кўчасидаги 16-дўкон қошида фаолият кўрсатган.

Эндиликда Чимкент шох йўлида жойлашган «Санднамон» дўкони қошида Чимкент озиқ-овқат давлат корхонасининг яна бир савдо нуқтаси харидорларни ўз бағрига қорламоқда. Иккинчи бўлимдан ташкил топган бу дўкон пештахталарининг ранг-баранг маҳсулотларга бойлиги билан ажралиб туради. Унга таширф буюрган харидор оддий ичимлик сувидан тортди Чимкентнинг машҳур пиво-сигача, тўшдан тортди туҳмунча, бекирим ликопчадан тортди то гилмача бўлган маҳсулотларини харид қилиши мумкин.

— Ушбу савдо нуқтаси деярли иккинчи ҳафта ичида тўла таъмирланиб ишга туширилди. — дейди дўкон мудири Саидислом Умаркужаев. — Чимкент озиқ-ов-

* Ҳамкорлик кенгаймоқда
ТОШКЕНТДА ЧИМКЕНТ САВДО ДЎКОНИ

қат давлат корхонаси директори Ёрқин Қурмонов билан келишувимизга биноан иш жорийи, қўшни вилоят маҳсулотларининг кенг миқдордаги турини ҳамшаҳарларимизга тортиқ қилишга эришдик. Ушбу дўконнинг очилиши биринчидан, иккинчидан республика ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчидан, бу ҳамкорлик ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида ҳамшаҳарларимизга тортиқ этилади ган маҳсулотлар турини янада кўпайтиришимизга имкон яратди.

— Янги дўконнинг иш бошлаганидан бениҳоя миннатдоримиз, — дейди бизга биринчи миқдор Рихси Солиҳова, — Бу қўлайлик албатта ҳар иккала мамлакат ҳукумати раҳбарларининг биз оддий аҳоли учун қилаётган раҳм-ҳурматининг яна бир ёрдами сифатида деб ўйлаймиз.

Ушбу дўконда сотувчилар Фахриддин Ғиёсов, Тўра Камоловлар хизмат кўрсатишди.

Хуллас Чимкент дўкони ва унинг савдо ходимлари сиз ҳамшаҳарларимиз хизматида ҳамisha ҳозир нозирдирлар.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: дўконнинг умумий кўриниши ва озиқ-овқат бўлимида савдо пайти тасвирланган.

Виктор Вагнер олган суратлар.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРAT ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

7-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўлидаги касблария бирга қўшиб олиб бориш бўйича 8-11 синфларнинг ўқувчиларини

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика чилангар-ёритиш ҳамда ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика-чилангар-киномеханик

ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи-қўлда ёйсмон пайванд бўйича электр пайвандчи

ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи-автоматиклар

ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи-киномеханик

ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи-куч тармоқлари ва усқуналари бўйича электр монтажчи

ёритиш ва ёритиш тармоқлари ҳамда усқуналари бўйича электр монтажчи-руғзор машиналари ва асбобларини таъмирлаш бўйича чилангар-электрчи

ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ ВА ИККИ ЙИЛ.

Радиотелемеханик (9 синфни битирганлар учун ўқим муддати 2 йил).

ЎРТА МАЪЛУМОТ ОЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ-ГАНЛАР БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДАГИ КЕЧКИ МАКТАБДА ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШЛАРИ МУМКИН.

МАШҒУЛОТЛАР СОАТ 13.00 ДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА РАДИОТЕЛЕАППАРАТУРАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА КҮНДУЗГИ ВА КЕЧКИ ПУЛЛИК КУРСЛАР МАВЖУД.

Ўқим муддати — 4 ой.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун манзилимиз: 700022, Тошкент шаҳри, Янкасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 8-уй (Тўқимачилик комбинати қаршисида).

Телефон: 53-31-21.

ТАШКИЛОТ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ОМБОРДАН

томат пастаси, қуюлтирилган сут, кефир, сузма ва бошқаларни ишлаб чиқариш учун АЧИТҚИ ҚУРИЛМАСИ

ТДМ — 317 ПАЙВАНДЛАШ АППАРАТИ, ТРУБАНИ ЭГАДИГАН ДАСТГОҲЛАР, ГИДРОПРЕССЛАР,

0,8 кВтдан 75 кВтгача бўлган ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОВАР АЛМАШИШ БЎЙИЧА ТУШГАН ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚАМИЗ, ЧОЙ-ШАБ-ЕСТИҚ ЖИЛДЛАРИНИ

СОТИБ ОЛАМИЗ

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

«САИЕҲИҚВОЛ» САИЕҲЛИК ФИРМАСИ

Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон Араб Амирлик-лари, Жанубий Корея, Бахрейн давлатларига ҚИЗИҚАРЛИ САЕҲАТЛАРГА ЧОРЛАНДИ.

Баҳоси унча қиммат эмас.

34-92-80, 34-92-81 телефонлари бўйича ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб olasн.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Тўқай кўчаси, 1-уй, 4-йўлак, 5-қават, 35, 36-хона.

«ТОШШАҲАРИЎЛОВЧИТРАНС» ИШЛАВ

ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатиш ишига муносиб ҳисса қўшиш истаги бор

«Д» тоифасидаги гувоҳномага эга бўлган ҳайдовчиларни ҳамда кондукторларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШИ — 200—300 минг сўм-хулосани, кондукторлариники 150.000 сўм-хулосани ташкил қилади.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА ДЎКОН

САЛОНИ

ташкilotлар ва хусусий шахсларга

«Правда» хусусий электрон ҳисоблаш машиналари ва дастур маҳсулотлари, телефон аппаратлари, ёритиш асбоблари, ҳўжалик моллари ва автомашина учун молларни

Нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Манзилимиз: Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 33-78-34, 33-68-60, 33-89-12.

ISC
ИНВЕСТИЦИЯ
КОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА
ОМОНАТЛАРИНИГИЗНИ
УЧ ЙИЛДА 15-30
БАРАВАР ОШИРИШ
УЧУН
ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИБ БЕРАДИ
ISC — биринчи талаб бўйича 24 соат ичида
омонатларингизни ҳисоблаб, қайтариб бериш
кафолатидир
БИЗ БИЛАН КЕЛАЖАККА
ҚАДАМ ТАШЛАНИЗ
Сизни қўйидаги манзилгоҳ бўйича агентликларда кутамиз:
Матбуотчилар (собиқ Ленинградская) кўч., 32
«Шарк» кафеси ёнида
Анхор буйи 8, Урда бекати, шаҳар ОВИРИ ёнида
113-алоқа бўлими, Чилонзор савдо маркази ёнида
Тошкент Бешпоянтми:
т.а. 32-56-92; 41-20-24
Омонатини қўйиш энг оз миқдори — 5000 сўм.
Шартнома тузиш учун ёнингизда паспорт бўлиши шарт.

ТОШКЕНТ ЎЗБЕК-ТУРК ТЕХНИК ЛИЦЕИ
қўидаги мутахасссларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Жиомоний тарбия муаллими,
тарих муаллими,
ҳўқуқшунослик муаллими,
спорт машжлари устозлари,
жўрофия муаллими,
театр актёри,
электрчи,
пайвандчи,
сантехник,
туркиа-ўзбекча таржимон,
кўтубхоначи,
энергетик.

ИШ ҲАҚИ КЕЛИШИЛАДИ.

Мурожаат учун манзил: Ҳамза тумани, «Оқдарё» кўчаси, 122-уй.

26, 15, 161 автобусларининг «Жамила» дўкони бекати, телефонлар: 93-00-09, 91-33-94.

DAEWOO
"Иверсон"
дўконларида
телевизорлар, видео- ва
аудиомагнитофонлар, плейерлар,
автоматикитопалар, совутичлар,
микротўқинли печлар, чанпоттичлар,
дозмоллар ва бошқа буюмлар.
DAEWOO
корпорацияси
ЭНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАР —
АЪЛО СИФАТ ДЕМАКДИР
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРИ
ЎЗИНГИЗ ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛАСИЗ
БАРЧА МОЛЛАР УЧУН КАФОЛАТ
МУҲЛАТИ — 1 ЙИЛ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДЎКОНЛАРИНИНГ
МАНЗИЛГОҲЛАРИ:
— Абдулло Тўқай кўчаси
(Марказ-1, 31-уй), телефон 33-35-61;
— А. Толстой кўчаси (Олой бозори),
телефон 32-11-19;
— "М. Горький" метро бекатидаги
савдо расталари, телефон 68-87-39;
— Чилонзор даҳаси, 1-мавзе, 65-уй;
— Абдуллаев кўчаси, 97-уй
(Високосвольтиный даҳаси);
— Комсомол 40 йиллиги кўчаси,
26-уй ("Дружба" кинотеатри);
— Шўкур Бурҳонов кўчаси, "Наврўз"
(Деҳқон бозори).

КИЧИК КОРХОНА

КЕРАМЗИТ ШЛАКОВЛОКЛАРИНИ чеклан-
маган миқдорда СОТАДИ ва харидор манзилига
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кў-
часи, 13/22 (5, 26, 37, 52, 68, 81-автобусларининг
«Тепловоз» деҳаси бекати).
Телефон — 33-54-62.

Ўзбекистон Фанлар академияси Физиология ва
биофизика институтини жамоеси институт директори
П. Б. Усмоновга олеси
Бекмурод УСМОНОВНИНГ
вафот этганлиги мўносабати билан чўқур таъзия
наҳор қилади.

Ўзбекистон меҳнат, ақоли бандлиги ва ижтимоий
муҳофазаси муаммоларини ўрганиш илмий маркази
жамоеси бўлими мудири Баҳодир Умаровга олеси
Зиёур УМАРОВНИНГ
вафот этганлиги мўносабати билан чўқур таъзия наҳор
этади.



Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМАЛИГИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида
рўйхатга олинган.
Рўйхат сони ~ 10.

Манзили:
700000, Тошкент шаҳри,
ГСП, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
хатлар ~ 33-29-70;
ёшан ва тижорат хабарларини
жойлаштириш масалалари
бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат
жабарлари ақил ва
аффионли учун қўйиб
салмаси учун берган
таъсирот ва нақс-
қимматлар.

Нашрин етказиб бериш маса-
лалари бўйича турар жойлар-
даги почта бўлимида ёки
"Тошкент почтаси" шаҳар поч-
та корхонасининг фойдаланиш
бўлимига ~ 33-74-05 телефо-
нига мурожаат қилишингизга
мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ.
Офсет усулда chop этилади.
Қўғоз бичими - А-2.
Нашр кўрсатқичи - 64690.

"Шарк" нафрийт-матбаа конуерини
босмаҳонаси. Корхона манзили:
"Бунюк Шўрон" кўчаси, 41-уй.